

(Хизмат курсатиш тўғрисида)

«Қарши» шаҳар

«29» ноябрь 2022 й.

Бундан кейинги ўринларда «Хизмат курсатувчи» деб аталувчи **POMUQ DIYOR OSTONASI МЧЖ** номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари **Т.Темиров** бир томондан ва бундан кейинги уринларда «Буюртмачи» деб аталувчи «Қашкадарё» йуллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси номидан буйруқ асосида иш юритувчи корхона директори **Б.Вафаев** амалдаги қонун қоидалар асосида мазкур шартномани туздик.

1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ

1.1. Буюртмага асосан «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган техник топшириққа асосан «Қашкадарё» ЙМФУК балансидаги 1 дона Автогрейдер русумли автотранспортни таъмирлаш ишлари, «Буюртмачи» эса уни қабул қилиш ҳамда тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг умумий баҳоси қўшимча қиймат солиғи қўшилган ҳолда 15 300 000,0 (Ун беш миллион) сўмни ташкил этади.

2. ХИЗМАТ ТУРЛАРИ.

2.1. Шартномага мувофиқ курсатиладиган хизматлар қиймати куйидагича:

№	Хизмат тури	Ул. бирлиги	Миқдори	Нархи	Жами сумма
1	Қашкадарё» ЙМФУК балансидаги 1 дона Автогрейдер	услуга	1	15 300 000	15 300 000
	ЖАМИ				15 300 000

2.2. Алоҳида ҳолатларда хизматлар номенклатураси икки томонларнинг келишувига асосан, мазкур Шартномага қўшимча равишда тафсилотлар руйхати (спецификация)да кўрсатиб ўтилиши ва илова қилиниши мумкин.

3. ХИЗМАЛАР СИФАТИ, ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Хизматларни «Хизмат курсатувчи» муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.

Мазкур шартномани расмийлаштириш мобайнида ва кейинчалик бажарилаётган пайтда «Хизмат курсатувчи» ушбу шартнома шартларини тўлиқ бажаришга етарли ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ рухсатномалар (лицензия, алоҳида рухсатнома ва ҳ.к) ҳужжатларни лозим топилганда «Буюртмачи» га тақдим қилади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан шартномани 3.1 бандининг биринчи абзаци тўлиқ бажарилмаса, бажарилган ишлари учун томонлар томонидан имзоланган ҳисоб фактуралар, ўзаро келишув ҳисоблар ва бошқа ҳужжатлар тўлашга асос бўла олмайди, «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи» дан пул маблағларини талаб қилиш ҳуқуқини, «Буюртмачи» асослаб бергунча, йўқотади, ҳамда ушбу ҳужжатлар бўйича пеня ва бошқа жарималар ҳисобланмайди.

4.2. Шошилиш тарзда буюртма бажарилганда, етказиб берилаётган маҳсулотнинг улгуржи баҳосига «Буюртмачи» томонидан қўшимча фоиз ҳақ тўлашга ҳақлидир.

4.3. Ушбу маҳсулотлар учун молиялаштириш пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

4.4. Хизматлар учун «Хизмат курсатувчи» 10 фоиз миқдорида олдиндан тўловни тўлагандан сўнг ишлар бажаришга киришилади,

4.5 «Буюртмачи» га тўловни ўтказилгандан сўнг, хизматлар кўрсатилган муддатда бажаришга қафолат беради, хизматларни тўланган тўлов сўммасидан кам етказилган ҳолда бу ҳақда «Буюртмачи» га 5 (беш) банк куни ичида ёзма равишда хабар беради ва ортиқча тўланган тўловини 5 (беш) банк куни ичида қайтариб беради.

5. ТАРАФЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Хизмат курсатувчи» давлат андозаларига мос тушадиган ёки «Буюртмачи» буюртмаси намуналарига мос маҳсулот етказиб беради.

5.2. «Буюртмачи» ўзининг ишончли вакили орқали хизматларни ўлчаб ўз вақтида қабул қилиб олади ва «Хизмат курсатувчи» га ушбу шартномада кўрсатилган шартлар бўйича ўз вақтида тўловларни амалга

«курсатувчи» га ушбу шартномада кўрсатилган шартлар бўйича ўз вақтида тўловларни амалга оширади.

5.3. Тарафлар ушбу шартноманинг ижросини таъминлаш, келишуви ўзгармай фақат шартномадаги шартларга амал қилиш, ишбилармонлик алоқаларини қўллаш ва хўжалик алоқаларини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини таъминлаш учун барча чораларни кўриш мажбуриятини олади.

6. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК

6.1. «Хизмат курсатувчи», «Буюртмачи» га хизматлар бажарилишини кечиктирса ёки қисман кечиктирган ҳолларда кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажармаган қисмининг 0.4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2. «Хизмат курсатувчи» шартнома шартларини тўлиқ бажарган бўлса, «Хизмат курсатувчи» га кечиктирилган тўлов учун «Буюртмачи» ҳар бир кечиктирилган кунни ҳисоблаб мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

6.3. Пеняни тўлаш томонларни шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи томонга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Ҳар бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, яъни уруш ҳаракатлари, эпидемия, табиий офатлар ва ҳаказоларга асосан ушбу шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажарилмаслиги бўйича жавобгар эмас.

7.2. Мазкур ҳолат давомийлиги тугагандан сўнг шартнома шартлари қайтадан кучга киритилиши мумкин.

8. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ

8.1. Томонлар ўртасида мазкур шартноманинг амал қилиш даврида юзага келадиган низолар Ўзбекистан Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни, бошқа қонун ва норматив ҳужжатлар асосида ҳал этилади.

8.2. Бахслар, томонлар келишуви орқали ҳал бўлмаган ҳолатда Наманган Туманлараро иктисодий суди орқали, ўрнатилган қонунларга биноан ҳал қилинади.

9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

Ушбу шартнома иккала томоннинг келишуви асосида узайтирилиши, узгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Х. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Буюртмачи»

"Қашқадарё" ЙМФУК

Манзили: Қарши шаҳар, Турткул куча №2 уй

Х/р : 2262 6000 0045 6245 5008

Банк: Миллий банк, Қарши

МФО: 00150, ИНН: 206 820 624

ОКОНХ: 42110

Директор: _____ Б.Вафаев

«Хизмат курсатувчи»

ПОМУҚ ДИҲОР ОСТОНАСИ МЧЖ

Манзили Қарши шаҳар

Х/р : 2020 8000 5055 6703 8001

Банк: Траст Банк Қарши

МФО: 01109

ИНН: 309 858 071

ОКОНХ:



Директор: _____ Т.Темиров